



# Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМЖ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 21 апрел сешанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 80 (1861)

БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИ  
ЙЎЛИДАН

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ЧИНАКАМ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙЛИК!

Тошкентда республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг навбатдан ташқари курултойи бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар палаталарининг, бозор инфратузилмаси муассасаларининг, республикада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан банд бўлган бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида қўйилган вазифаларни дастурий амал сифатида ижро учун қабул қилишлари зарур.

Курултой ўз қароридан Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бугунги тарихий фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида сира кечиктирмай ҳал этиш лозим бўлган масалаларнинг кенг доирасини белгилаб берди. Иқтисодийнинг бу муҳим соҳасида ишлайётган барча кишиларга шу куннинг талабларига мувофиқ малака ва амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлар кўпроқ даражада керакли, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутишлари, тижорат-вотсаиқчил операцияларни билан чеklang қолмай, Ўзбекистоннинг раванжида муносиб ҳисса қўшишлари зарур.

Музокараларда иштирок этган курултой делегатлари вужудга келган муаммоларни ҳал этиш, минтакалар паразитлари ва жойларда палаталарнинг самарали ишини йўлга қўйиш юзасидан тақдирлар киритди. Шунингдек, низомининг айрим қондалари ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. Курултой А. Йўлдошевни Палата раҳбарлигидан овоз қилди. М. Собир ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси этиб сайланди. Делегатлар Палатанинг марказий кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибини ҳам сайладилар.

Курултой ишида Бош вазир ўринбосари, макротиқсонидет ва статистика вазيري Б.Хамидов иштирок этди.

### ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ташриф буюрди.

Олий Мажлис раиси Эркин Халилов меҳмонларга парламент тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликни такомиллаштириш борасида хорижий мамлакатлар парламентлари билан йўлга қўйилган алоқалар ҳамда бундай муносабатларни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Мулоқот чоғида ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, республикада сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикр алмашилди.

Учрашувда ЕХХТнинг Марказий Осиё бўйича бюроси раҳбари Ганчо Ганчев, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Богуслав Качински ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

АҚШ савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ ҳукуматининг МДХ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича вакили Ян Калицки раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан бўлиб ўтган учрашувда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик, жумладан, нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш, уларни сотиш, транспорт ва коммуникация билан боғлиқ масалалар юзасидан музокара олиб боришди.

"Ўзбекнефтегаз" миллий корпорациясига америкалик меҳмонлар Бош вазир ўринбосари, мазкур корпорация раиси Қ. Ҳаққулов билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида нефть-газ саноати соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, делегация аъзолари Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан музокара олиб боришди.

Учрашувларда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

(ЎЗА)



### ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 апрель кунин Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремекни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташрифни Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатларнинг яна бир инъикоси, деб айтди.

— Ташкилотнинг Ўзбекистонга ва умуман Мар-

казий Осиёга қизиқиши тобора ортиб бормоқда,— деди Ислам Каримов.— Бу факатгина минтақанинг табиий захираларига бойлигидан эмас, албатта. Марказий Осиёда қўллаб-қувватларнинг манфаатлари туташибди. Шу маънода мазкур минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масаласи муҳим аҳамиятга моликдир.

Президент Ўзбекистон 1992 йилдан буён ЕХХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини, ушбу аъзолик талаб этган барча мажбуриятларни

Ўз зиммасига олганини ҳамда уларни бажаришини айтди.

ЕХХТ раиси қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди, айни вақтда ўзи раҳбарлик қилиб турган ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мустақамлашиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳамда Польшанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Богуслав Качински ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТУРАЕВ олган сурат.

### ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Б. Геремек раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Ташқи

ишлар вазирлигида бўлди. Учрашувда вазир А. Комилов меҳмонларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги фаолияти билан таништирди. Томонлар Марказий Осиё минтақаси

хавфсизлиги борасида ўзаро фикр алмашилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

### ДўСТЛИК БАЙРАМИ ЯҚУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бошланиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида давом этган Ўзбекистонда Киргизистон маданияти кунлари ниҳоясига етди. Мазкур санъат байрами халқларимиз эришган истиқлол бонис мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда маданий алоқаларга янгича мазмун ва шухуқ бахш этди, дўстлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилди.

Байрам кунлари киргиз маданияти ва санъат арбоблари бир қанча шаҳар ва туманларда бўлиб, кўпгина ижодий учрашувлар ўтказди. Дўстона мулоқотлар чоғида қардош халқ қўшиқчилиги, рақс, кино ва бошқа санъат турларининг энг яхши намуналарини намойиш этилди.

Дўстлар ҳамма жойда ўзбекистон меҳмондўстлиги ва гуллар билан қутиб олинди.

Андижондаги Й. Охунбоев номли вилоят мусикали драма ва комедия театрида Ўзбекистонда Киргизистон маданияти кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлар вазири Хайрулла Жўраев сўзга чиқиб, шодиёна кунлари ўзбек халқига киргиз санъати билан янада яқинроқ танишиш, адабиёт, санъат ва маданият арбоблари билан мулоқотлар эса ижодкорлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш имконини берганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз раҳбарлари Ислам Каримов ва Аскар Акаев тарихи, тили, маънавий қадриятлари муштарак икки халқ ўртасидаги

азалий дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга раҳнамолик қилмоқдалар,— деди Киргизистон Республикаси Давлат котиби Эшимбай Абдуразақов.

— Ўзбекистонда Киргизистон маданияти кунлари бу ришталарни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, бундай тадбирлар халқларимизни янада яқинлаштириш, маънавийтимизни юксалтириш, маданий алоқаларимизни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Тантана икки мамлакат санъат усталарининг катта концерти билан яқунланди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов ва Киргизистон Республикаси ҶШ вилояти ҳокими Амангелди Муратов қатнашди.

(ЎЗА)

### МИЛЛИЙ МАРКАЗ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша Республикасининг Ташқи ишлар вазири Бронислав Геремек бошчилигидаги Европа делегацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида бўлди.

Марказ директори Ак-

мал Саидов меҳмонларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Бу борада Миллий Марказ амалга ошираётган тадбирлар билан меҳмонларни батафсил таништирди. Самимий мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар ҳусусида ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда ЕХХТнинг Марказий Осиё бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳамда Польшанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Богуслав Качински иштирок этди.

(ЎЗА)

### ҒўЗА ПАРВАШИГА КИРИШИЛДИ

Сурхондарё вилояти пахтакорлари чигит экиш мавсумини ҳар йилгидан кўра барвақт яқунлади. Бу йил 120 минг гектар ерга чигит экилди. Бу майдоннинг қарийб ярмида уруғ бир текис унинг чиқди. Чигит плёнка остига экилган 15 минг гектар ерда ғўза барвақт ўсмоқда. Дехқонлар қатор оралиғида дастлабки ишлов беришга киришилди.

Ч. ТУХТАЕВ, ҒўЗА мухбири.



### ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

## ДАРОМАДНИНГ ЯНГИ МАНБАЛАРИ: У ЎЗИ НИМА?

Эркин иқтисодиётга ўтишимиз туфайли аҳоли даромадининг мазмун-моҳияти тубдан янгиланмоқда. «Даромад» сўзи эски луғатларда қуйидагича таърифланган: давлат, савдо-саноат муассасалари, корхоналар, хўжалик, ижтимоий ташкилот ёки айрим шахс ҳисобига келиб тушадиган соф пул ва бошқа маблағлар. Бугунги кунда эса янги бозор даромадлари пайдо бўлдики, бу иш ҳақидан ташқари, тадбиркорлик даромади, акциядорлик дивиденди, мулкдан келган даромад, томорқа маҳсулотларини сотишдан олинган тушум шаклида зўур топаетир.

Аслида ишлаб чиқариш дастлабки ҳаракатта келтирувчи механизм — шахсининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш бўлиб, бу омиел социалистик тузумда етарли баҳоланмади. Социалистик тақсимот даромадини бир текисда тақсимлашнинг амалда жорий этилиши бўлиб, яхши ва ёмон ишлаганларни тенглаштириш, «зарбдорлар» даромади ҳисобидан қолоқларни боқиб (бу корхоналарга ҳам таалуқли бўлган), шу асосда меҳнатга рағбатни суеайтириб, одамларда боқимандалик кайфиятини тулдирган. Уша кезлардаги тақсимот қондалари кишиларни яхши ишлайишга ундаматган. Шу сабабли шўро давлати дунёда ресурсларга энг бой мамлакат бўлган иқтисодий жиҳатдан орқада қолган. Чунинчи, собиқ иттифоқ таркибида иттифоқдод республикаларнинг мулқат кўпчилиги камбағал ва ривожланиш даражаси ўртачадан паст мамлакатлар қаторидан ўрин олган.

Минг шукки, тоталитар тузум режими-дан халос бўлиш. Эркин иқтисодиётга ўтиш йўлидан дадил боришимиз. Бозор муносабат-

ларига ўтиш стратегиясида моддий манфаатдорлик омили аҳоли эҳтиёжини қондириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Табиийки, иқтисодий қонунларнинг янги шартондаги татбиқи даромад топилшини турли шакллари вужудга келтирмоқда. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда сўзлаган маърузасида таъкидлаганларидек, «Аҳоли даромади охибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда».

Аҳоли даромадининг энг оммалашган манбаларидан бири иш ҳақидир.

### 1. ИШ ҲАҚИ ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

Ҳозирги даврдаги иш ҳақи истиқлолдан олдинги йилларда мавжуд бўлган маош ёки ойликдан кўп жиҳатларига кўра фарқ қилади. Бу турдаги даромад, иқтисодчилар тили билан айтганда, ёланма меҳнат учун туланидиган ҳақдир. Иш ҳақи табиятан меҳнат даромади ҳисобланади. Унинг оз-кўплиги меҳнат самардорлигига боғлиқ, чунки бозор иқтисодиётида ҳар қандай даромад ресурслари (капитал, ишчи кучи, ер)нинг нақадар унумли ишланшини натижаси бўлади. Улар унумли ишлатилса, даромад ортади, табиийки, унумдорлик пайсаёса даромад беравара бўлади. Бу қонда, айниқса, моддий ишлаб чиқариш соҳаларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва ҳоказолар) ҳосилдор. Номоддий соҳалардаги (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа) иш ҳақи асосан ишлаб чиқаришда яратилган даромадларнинг бюджет орқали қайта тақсимланганига боғлиқ бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

### ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

## ЕР — БЕБАҲО БОЙЛИК

Маълумки, Олий Мажлис навбатдаги сессияси кун тартибига қишлоқ хўжалиги самардорлигини ошириш, деҳқоннинг ерга эгаллик ҳиссини кучайтириш ҳамда мулкчиликни ҳимоя қилишга қаратилган бир неча қонун лойиҳаларини киритиш мўлжалланмоқда. Булар орасида «Ер кодекси» лойиҳаси ҳам бўлиб, у энда ер муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни мўжасамлаштирган.

Ер муносабатларини тартибга солишнинг асосини ер тузиш ва давлат ер кадастри ташкил этди. Барча ривожланган мамлакатларда, шу жумладан ерга хуеуний мулкчилик мавжуд бўлган давлатларда ҳам ер тузиш ва давлат ер кадастри, ер мониторингини юритиш давлат ва маҳаллий бюджетлар-

дан маблағ билан таъминланади. Шунинг учун Кодекс лойиҳасининг 5-6-7-моддаларига «ер тузиш ишларини, давлат ер кадастри ва ер мониторингини юритишга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиш кўзда тутилди» деган сўзлар қўшилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, Кодекс лойиҳасининг 7-модда, 3-бандини аниқ ва равшан ёзиш керак. Чунки ҳозирги аҳволда анча чалқашликлар бор.

Кодекс лойиҳасидаги 36-модданинг («Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тугатиш») 7-бандига 5 йиллик муддатни 3 йил қилиб белгилаш зарур. Чунки суғорма

деҳқончилик шароитида ердан қаластир баҳосидан паст ҳосил олишни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда Кодекс лойиҳасининг 52-моддасига («Фермер хўжалигини юритиш учун ер бериш») фермер хўжалиги ер участкасини олиш пайтида маҳаллий бюджет ҳисобидан ернинг шу кунги банитет баалини аниқлаб олиш ҳуқуқига эга, деб қўшимча қилиш лозим. Шунингдек, ушбу моддага фермер хўжалиқлар ижарадаги ер участкасига қандай тартибда ҳар хил қурилишлар қилишлари аниқ белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кодекс лойиҳасининг 54-моддаси «Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш ёки сотиш» деб номланган. Қишлоқ жойларига фуқароларга ушбу моддага биноан ер участкалари асосан уй-жойга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган шахсий эҳтиёжларини қоплаш учун берилишини ҳисобга олиб, мазкур модда — «Шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун фуқароларга ер бериш ёки сотиш» деб ўзгартирилса, бизнингча тўғри бўлади.

83-моддага эса («Ерлардан фойдаланиш ҳақида уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи

органлар») махсус ваколатга эга бўлган давлат органи қайси ташкилот ёки таъкилотлар эканлиги ўрнатилиши керак. Қолаверса, Кодекс лойиҳасига ички хўжалик қурилишига ер ажратилиш ва унинг тартиби тўғрисида ҳам модда киритилиши лозим.

Умуман, «Ер кодекси» ер муносабатларини тартибга солувчи муҳим мажмуа эканлигини ҳисобга олиб, баъзи моддаларнинг охиридаги «тартиб бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади», дейиш ўрнига ушбу тартиблар алоҳида моддалар ҳолида лойиҳага киритилса, янада яхши бўларди.

Улуғбек ҲОСИЛОВ, «Ўздавсролийҳаси» институтининг Андижон вилояти филиали директори.



ДУНИ ДАРАКЛАРИ

ТИНЧЛИК СОНИЛАРИ

уни ҳеч нарсага қийслаб бўлмайди

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил» деган мақол бор. Агар биз бу...

дир. Хўш, бундай ҳаёт кимга керак, бундан кимлар фойда топади...

Бирок, бугунги кунда дунёнинг бир бурчида солидир бўлаётган уруш у ёки бу маънода...

Турки, африканинг саксоничи йилларида халқаро муносабатларга эган янги...

Маълумотларга қараганда, қизил микроорганизмлар март ойи охирида...

АНҚАРА. Туркия, Руминия, Болгария Президентлари — Сулаймон Демирел, Эмил Константиану ва...

Энди, бундай урушларнинг оқибатлари ҳусусида тўхталадилик бўлса...

Яқин Шарқда қарий ярим асрдан бундан эътибор келатган уруш низолар ҳам жохон...

Дарҳақиқат, шундай. Тинчлик бор жойда яшаш, тарққитиш ва фаронгликка эришиш осон кечди.

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Европа деганда кўз ўнгини...

ЎЗБЕКИСТОН-ОЧИК ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ

«Хотин-қизлар ҳуқуқи — инсон ҳуқуқлари доирасида» деб номланган лойиҳада иштирок этиш учун танлов эълон қилади.

Ушбу лойиҳа Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ мамлакатлари ҳудудига хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўчатириш ва кенгайтиришни кўзда tutadi.

Танловда қуйидагилар иштирок этиши мумкин: раҳбар хотин-қизлар ёки хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари бошлиқлари; инсон ҳуқуқлари ҳимояси масалалари билан шуғулланувчи фаол хотин-қизлар.

Танловда иштирок этиш учун бюурмага бериш ва дастур бўйича қўшимча маълумотларни Ўзбекистон-Очиқ жамият институтидан олганингиз мумкин.

СЕШАНБА, 21

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00—8.25 «Ахборот».

17.20—20.40 20.40 Имом ал-Бухорий билегига. «Қадр кечаси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Табият шайдолари».

ПАЙШАНБА, 23

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Дилнавоз садолар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Дона бобо даврасида».

ЧОРШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзбектедаси» намойиш этади: «Ақсия».

17.20 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Мультишоша».

ЖУМА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Туйлар жарағи». Муслик дунийа. 8.55 «Озма юз».

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

17.20—20.40 20.40 Имом ал-Бухорий билегига. «Қадр кечаси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Даракчи».

17.20—20.40 20.40 «Моҳир». Телекўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Дона бобо даврасида».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Мультишоша».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Мультишоша».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Мультишоша».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Мультишоша».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Мультишоша».

ТАШКИЛОТ Шшонент шахридаги оломхонадан юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалик техникаси учун ПОДШИПНИКЛАР.

Ўзбекистон-Очиқ Жамият Институтининг лойиҳада иштирок этиш учун танлов эълон қилади.

ТАШКИЛОТ Шшонент шахридаги оломхонадан юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалик техникаси учун ПОДШИПНИКЛАР.

**Чикди султони шафқат, долагузор бўлди шарқ, Зарларин тукди уфққа, нури бозор бўлди шарқ. Субҳи содиқнинг жамолини нури офтоб ювди-ю, Кенг жаҳон бўлди мунаваар, тоза рухсор бўлди шарқ.**

Мустақил диёримизнинг еттинчи баҳори бароқали, қутли бўлғай. Унинг неъматлари тотли бўлғай. Унинг мазмунга тўла воқеалари, инсонийлик, меҳру муруват бобидаги хайрли ишлари, эзгуликлар дафтарига битилгучи иншолари хушдир. Бу йил ҳам унинг режалари мумтоз эканига, файзу-карамлари бисёр эканига ишонамиз.

Наврўзи олам — меҳр-муруват, шафқат, муҳаббат, олийжаноблик фаслидир. Одамлар, кўни-кўшилар, кайнона-келиндар, юртлар, музофотлар, миллатлар ўртасига тўшалган саховатли дастурхон, меҳр ила узатилган кўндир ул.

Қишнинг андухлари сойларда оқди. Тўлқинлар ўзанларга сиймай жар лабини емиради. Дилда неки хазинликлар бўлса Наврўзи олам сабалари қанотида олиб учоди, тўқойларда адаштиради. Инсон азиз, муҳтарам, деган садолар эшитилади.

Наврўзи олам мўл ҳасиллар зуволасини олади. Барака-қут эшикларини ланг очиб қўяди. Хайру эҳсонларга ўз дастохатини битади. Муштилорлар холидан хобар олади. Уларга баҳорий кайфиятлар, эртанинг умидли кунларини ҳада

**НАВРЎЗ КЕЗАЁТИР ЎЗБЕКИСТОНДА**

этади. У тароватли эртақдай, кўнгилга яқин ўланордай ховли-рўялар кезади. Ҳар ниҳол, ҳар қуртакда гўзаллик, қут-барака ундирмақ учун боғларга ошиқиди...

Бу соҳир дунёда ўлмайдиған не бор? Орзулар ўлмайди. Юртимизга маъмурилик, аёлларимизга маъсумалик, йигитларимизга танитилк ёр бўлсин дея орзуланамиз биз оналар. Негаки Наврўз — қушод фасли, ижобатлар фасли ҳамдир.

сертўлқин сойларига, Андижоннинг боғи шамолларига, Тошкентнинг гул алвон гулханларини ёққан чаманларига, бувилорнинг эртақларидан ёғилоётган ҳикматларга қулоқ тутаман. Баҳор битган иншолар, у чизган рангин суратлар қошида лол қолман. Ул наққошнинг мўйқалами ила чизилган манзароларга таъриф изламоқ, уларни ўқимоқ, англамоқ мушқулдир. Унинг мўжизаларига термуломан, бу термулиш-

**БАҲОР БИТГАН ИНШОЛАР**

Ирмоқлар сойга, сойлар дарёларга, дарёлар уммонларга, баҳри денгизларга ойла-нишни орзу қилар эканлар. Гиёҳларнинг майин шивирлашида орзу, тилақлар бордир. Минг бир хил турфа рангларда жилва қилаётган чечакларнинг тебранишида аллақандай севрлорни кўраман.

Кўшнлар ялпис кертилган хушбўй, танқис таомлар билан бир-бирларини сийлайдилар. Бир-бирларига бинафшалор ҳоёя айлайдилар. Наврўз ҳадсиз ишқ, ҳадсиз ҳайратларга ҳам ўхшайди. Шоир юраги, қилқалам соҳиби нигоҳи билан табиатта бир боқинг-а: «Бу олам кўҳнадир, бу очун донишманддир» деб айтади у сизга. Табиат фусункордир деб айтади.

Наврўз сабалари неларнидир шивирлаб ўтади. Неларни шивирлади экан у сабо? Жавоб излаб Оқ тош, Шоҳимардон тоғларига, уларнинг тўғенлар узара бош қўйган

дан кўзларим ҳам қорайгай, тун ҳам.

Баҳор — яшариш, янгиланиш фаслидир. Ошифта бу юртининг қайта туғилган кишилари кўнгида ҳам яшариш, янгиланиш туйғуси. Табиатда қишориниш, қизларда зебланиш қайғуси. Ҳар қуртак, ҳар ниҳолда жонлониш, яхшиланиш кутқуси.

Наврўзи оламда йўлга чиққанлар, умид манзилларига бехатар етар эмишлар. Ушбу кезларда тилақларим шўлки, қайта дунёга келган диёрим кўзлаган нури манзилларга бехатар етиб борсин.

Наврўз кечаларида оромсизларга оромлар, гўдақларга аллалар, келинчақларга ўланлар, кичкинтойларга эртақлар, тилаганга эҳсонлар, ижобатлар ёғилар эмши. Қўҳна бу оламга ривоятлар, донишмандликлар ҳада айлар эмиш. Наврўзи оламнинг ҳадсиз эҳсонлари, лутфу қадамларидан яшариб кетган табиат, дунё, одамлар

оғушида, осудалиқлар салтанати ичра қайта туғилар эмишлар.

Юртимиз қайта туғилган рости. Баҳоримиз, наврўзимиз ҳам не-не талотўплардан омон ўтиб, қайта туғилди. Тонглари-миз, онглари-миз тозорди. Боғларимиз қайта гулга кирдилар. Юракда янги дунёлар, тилақда янги дуолар туғилди.

Баҳорни муҳаббат фасли дейдилар. Ҳар гул, ҳар ниҳол, ҳар қуртакда ишқнинг суратлари, иншолари бор. Тўлқинларга кўмилиб оқаётган анҳорларда муҳаббатнинг сўзлари, боғлар бағрига тўкилувчи юлдузларга унинг кўзлари яширин.

Ҳарир булутлар енгил қанот қоқиб, тоғлар устидан учиб ўтадилар. Тонгда қўшдан илк бора бўса олувчи булутлар шўланиб кетади. Баҳор севги девонларини варақлайди.

*Агар гулшанга келса сарви гулрўйим хиром айлаб Югургай сарви гул юз марҳобо бирла салом айлаб.*

*Хиромон келди ёр қомати таъзимга беҳуд Йиқилдим соядек, ердин турарга илтизом айлаб.*

Табиатнинг бир дона чечатига бир олам қувонч бор. Баҳорда тош ҳам гул оғуши келади. Наврўз — шукроналиқлардир. Юртининг баҳорини, хурлигини ўзига қайтарган юртбошиларга умр тиламақ учун бувиларнинг, момоларнинг дуога очилган кўлларидир. У — келинчақларни бахт, толеи уйига қузатувчи ёр-ёрлар, гўдақларга ором бағишлагувчи аллалардир.

**Эътибор ОХУНОВА.**

**ҚОНУННИ БИЛГАН — ҲУҚУҚНИ БИЛАДИ**

Суд жараёнида адвокат иштирок этиши шартми? **А. Қаҳҳоров. Фарғона вилояти. Ўқитувчи.**

**САВОЛ**



**ЖАВОБ**

Фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнида адвокат иштирок этиши шарт эмас. Аммо, судда қатнашаётган тарафлар ишнинг адвокат иштирокида кўрилушига хоҳиш билдирсалар, суд уларнинг талабини қондириши шарт.

Жиноят ишлари бўйича эса: вояга етмаганлар, соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишида айбланаётган шахсларга нисбатан кўрилатган ишларда ҳимоячи иштирок этиши шарт. Шу жумладан, шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган, давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган, жабрланувчининг вақили сифатида адвокат иштирок этаётган бўлса ҳамда тиббий йўсундаги мажбурият чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳам ҳимоячининг қатнашиши шарт.

Суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари тўғрисида қўйилган шартларни амалга оширишда қийналиши мумкин, деган хулосага келинган ишлар бўйича ҳам адвокат иштироки шарт.

Бошқа тоифадаги жиноят ишлари адвокат иштирокида кўрилуши мумкин. Лекин жабрланувчи ёки судланувчининг ишда ҳимоячи иштирокида қатнашиши ҳақидаги илтимосини суд бажаришига мажбур.

**Саволга етакчи юрист Р. СУЛТОНХҲАЕВА** жавоб берди.

**СПОРТ ОЛАМИДА ОМАДЛИЛАР МАЙДОНИ**

Дунёда пул топинининг йўли ҳам, манбаси ҳам жуда кўп. Масалан, лотерея ёки спортлото ўйинларини олинг. Омадингиз жиндек юришиб кетса бас, бир зумда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада бойиб кетасиз. Дарвоқе, турли хил пул-бюро лотереяларнинг ҳаётимиздаги ўрни тушунарли. Аммо спортлото дегани нима, у қаердан келиб чиққан, қонун-қондаси қандай? Мана шу масалаларни бироз ойдинлатиш учун Ўзбекистон Республикаси спорт лотереялари давлат қорхонаси бош директори Ўлғажан Домаевни суҳбатга тордик.

— Спортлото, аслида, омад деганидир. Тахминларингиз тўғри чиқса бўлди. Бир ҳафтада миллионер бўлиб кетишингиз мумкин. Расмий тилда айтадиган бўлсак, бу уйин жисмоний тарбия ва спортдаги баҳслардан келиб чиққан ҳолда ўйлаб топилган. Асли ватани Генуя (Италия) шаҳридир. Тахминан бундан 300 йилга муқаддам уша шаҳарда биринчи спортлото ўйини ўтказилган.

— Маълумки, АҚШда, Хиндистонда, шуниингдек, Жаңубий Африка мамлакатларида спортлото ўйинларининг 100 дан ортиқ турлари мавжуд. Шу ҳақда қандайдир олиб қараганда, бизнинг Ўзбекистонимизда спортлото ишлари қандай бормоқда?

— Тан олиш керакки бизда, унинг ишқибозлари кам. Бундан 15-16 йил муқаддам чипталар бир, бир ярим миллионгача сотиларди. Ҳозир эса бундай кўрсаткичга эришишингиз ўзи бўлмайди.

— Демак ютуқлар миқдори ишқибозларни қониқтирмайди. Ёки ўртада қандайдир тушумовчилик бор...

— Рекламини тўғри йўлга қўя олганимиз йўқ. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг 70 фоиздан кўпроги ушбу ўйин қонун-қондасини яхши билмайди. Ютуқлар миқдори эса сиз айтганчалик кам эмас. Масалан, 1998 йил

тоифага 8 миллион сўм. Ҳамма нараса аниқ бўлгач, ҳеч ким алданиб қолмайди.

— Фараз қилинг, бугун мен ўн минг сўмга чипта сотиб олдим ва ўйин тугамасдан уни йўқотиб қўйдим. Оралдан ўн беш кун ўтиб яна топиб олдим. Бу ўртада тиражнинг бир нечаси ўтиб кетди. Ҳўш, нима қилишим керак?

— Иш фаолиятимизда бу ҳам ҳисобга олинган. Ҳеч ким пулга қуймайди. Масалан, 08, 09-тиражга қатнаша олмаганлар 10-тиражда омадларини синаб кўриши мумкин. Фақат чипталарнинг орқасига кечикканлиги ёзиб қўйилиши шарт.

— Ўзспортлото ҳаётида сўнгги йилларда қандай янгиллик бўлиши мумкин?

— Яқинда спортлото хусусида махсус китоб нашр этмоқчимиз. Бу ичимиз амалга ошса, ишларимиз яна 50 фоизга юришади.


— Айтайлик, лотерея эгаси 200 минг сўм ютди. Пулни қачон ва қимдан олади?

— 10 минг сўмдан юқори бўлган ютуқлар ўйиндан 5 кун ўтгандан сўнг берилади. Уни бизга тегишли бўлган халқ банки бўлимлари билан икки ой давомида олиш мумкин.

— Юртимизда фаолият кўрсатаётган бутунги спортлотонинг энг катта муаммоси нимадан иборат?

— Спортлото ўйинида тажриба тўплаган мамлакатларнинг иш тажрибасидан ўрнак олишимиз шарт. Реклама масаласи бизни қийнаётган муаммолардан биридир.

«Халқ сўзи» мухбири **Нормурод МУСОМОВ** суҳбатлашди.



**«БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ»ДА...**

сеобақанинг кўнгидагидек ўтиши учун барча шарт-шароитларни аллақачон муҳайё қилиб қўйишган. Меҳмонхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, дам олиш тармоқлари қайта жиҳозланган.

— Ўзбекистон, ҳусусан, Андижон мен учун қадрдон бўлиб қолди, — дейди мусобақанинг бош ҳаками жаноб Марис Кан.

— Мен Андижонга туртинчи бор ташриф буюришим. Утган йили «Сатиллет» мусобақасига ҳам ҳакамлик қилган эдим: Ўйлайманки, «Буюк Ипак йўли» мусобақаси ҳам ҳар галгайд кўтаринки руҳда ўтали.

Маълумингизким, Ўзбекистонимизда теннис мусобақалари кундан-кунга ривожланиб, оммавийлашиб бормоқда. Жумладан, «Президент кубоги», «Хавас», «Челленжер» сингари мусобақаларни алоҳида қувонч билан эсга олиш мумкин. Сирасини айтганда, Ўзбекистон қисқа йиллар ичинда ҳақиқатдан ҳам теннис мамлакатига айланиши турган гап. Бунинг учун бизда имконият етарлидир.

Одилжон **ШОДМОНАЛИЕВ**, «Халқ сўзи» мухбири.



**ХУНАРМАНДЛАР СУЛОЛАСИ**

Марилон деганда унинг дилкаш одамлари билан бирга минг тусда жилланиб турган атласлари кўз ўнгимизга намоён бўлади. Айтишларича, марилонлик хунармандлар атласининг 150 дан зиёд турини кашф этишган.

Турғунбой ака Мирзааҳмедов хунарманд оиласида дунёга келган. Ёшлигини давомида ота-онасидан атлас тўйиши сирларини ўрганди. Кейинчалик машхур уста номи билан тилга тушди. У 30

хилдаги атлас муаллифидир.

Турғунбой аканинг 5 нафар фарзанди ҳам айни вақтда оталари касбини давом эттирмоқда. Хунармандлар тайёрлаган маҳсулот бир неча халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаган.

СУРАТДА: Турғунбой ака Мирзааҳмедов ўғиллари Раҳимжон ва Фозилбеклар билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

**ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ ФАҚАТ СИЗ УЧУН!**

**«Ўзмевасабзавотузумсапоат-холдинг» компанияси**

Сизларни 1998 йил 21-24 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «АГРО-ПРОДУКТ-98» улгуржи-савдо кўргазмасига таклиф этади.

Бу кўргазмада 40 дан ортиқ фирмалар иштирок этишади. Сиз бевосита ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан шартномалар тузишингиз ва маҳсулотларимиздан харид қилишингиз мумкин.

Кўргазма «Ўзэкспомарказ»нинг 5 - павильонида

Маълумот учун телефонлар: 144-15-90, 144-03-57, 144-05-39.



Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

МУАССИСЛАР: **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси**

БЎЛИМЛАР:

Нархамет 133-57-34;  
 Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;  
 Иқтисодиёт 136-36-65;  
 Кино-ҳужжатчилик 136-37-85;  
 Маълумот 136-35-60, 132-10-65;  
 Халқаро 136-29-89, 131-07-48;  
 Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;  
 Халқаро ҳаёт 132-11-15;  
 Копийа 133-10-28;  
 Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
 Буюртма Г — 011138, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.  
 Қоғоз бичими А—2  
 Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — М. Сафаров.  
 Набатчи — Н. Мусомов,  
 Мусоҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топширилди вақти—21.00 Босишга топширилди: 22.20 1 2 3 4 5 6